

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**АНВАРОВ ХИКМАТ ЭРКИНОВИЧ**

**ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ  
МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Анваров Хикмат Эркинович**

Пандемия шароитида шошилич тиббий ёрдам муассасалари  
фаолиятини ташкил этишнинг инновацион жиҳатлари..... 3

**Анваров Хикмат Эркинович**

Инновационные аспекты организации работы учреждений экстренной  
медицинской помощи в условиях пандемии ..... 37

**Anvarov Khikmat Erkinovich**

Innovative aspects of organizing of work of the Emergency medical care  
facilities in the conditions of a pandemic..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 74

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**АНВАРОВ ХИКМАТ ЭРКИНОВИЧ**

**ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ  
МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Tib531 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилди.  
Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюмеси)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Хаджибаев Абдухаким Муминович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Замятин Михаил Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

**Мусабаев Эркин Исакович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги

**Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Роберт Кох Институти (Берлин, Германия Федератив Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги  
DSc 06/2025.27.12 Tib.18 01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 11.03 кун  
14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100115, Тошкент, Чилонзор тумани, Биринч йўли,  
2. Тел: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605. E-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100115, Тошкент,  
Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 2. Тел: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605. E-mail:  
[uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация автореферати 2026 йил «21» 02 кунни тарқатилди.  
(2026 йил «21» 02 даги 3-рақамли регистр баённомаси)



**Д.А. Алимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раисининг ўринбосари, тиббий фанлар  
доктори, профессор

**Э.Ю. Валтеев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббий фанлари доктори,  
профессор

**В.Х. Шарипова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳозирги босқичда шошилич тиббий ёрдам муассасалари пандемиялар, табиий офатлар ва техноген фалокатлар каби йирик кўламли фавқулодда ҳолатлар шароитида соғлиқни сақлаш тизимининг беморлар билан биринчи ва ҳал қилувчи алоқа нуқтаси ҳисобланади. COVID-19 янги коронавирус инфекциясининг пандемияси шошилич патология ҳамда инфекцион касалликка эга беморлар мурожаатлари кескин ошган шароитида тиббий ёрдамнинг узлуксизлиги ва мавжудлигини таъминлашда шошилич тиббий ёрдам хизматининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини яққол намоён этди. Пандемия даврида шошилич стационарлар ҳамда қабул-диагностика бўлимлари мисли кўрилмаган юклама шароитида фаолият юритиб, бир вақтнинг ўзида икки принципиал жиҳатдан фарқ қилувчи вазифани ҳал қилишни талаб этди: инфекцион хавфсизликни таъминлаш ва оғир ҳамда ўта оғир аҳволдаги беморларга ихтисослаштирилган шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш. Мазкур шароитда тиббий триажни стандартлаштириш, инфекцияланган ва инфекцияланмаган беморлар оқимларини катъий ажратиш, стационаргача бўлган босқичда оқилона маршрутизацияни таъминлаш ҳамда стационар ичидаги логистикани оптималлаштириш масалалари алоҳида аҳамият касб этди<sup>1</sup>.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, пандемиялар ва оммавий фавқулодда ҳолатлар даврида қисқа вақт ичида беморлар мурожаатлари кескин кўпайганда шошилич тиббий ёрдам бўлимлари фаолияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Олдиндан ишлаб чиқилган ҳаракат режаларининг, пандемия даврида тиббий триаж стандартларининг ва беморлар оқимини бошқариш механизмларининг мавжуд эмаслиги қабул бўлимларида одамлар тўпланиб қолишига, диагностика маршрутларининг узайишига, тиббий ёрдам кўрсатишни кутиш вақтининг ортишига ва инфекция тарқалиш хавфининг ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида COVID-19нинг биринчи ҳолати 2020 йил 15 март куни қайд этилган пайтдан бошлаб Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази шошилич патология ва инфекцион касалликка эга беморларга ихтисослаштирилган шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича етакчи муассаса сифатида фаолият юритди. РШТЁИМ базасида шошилич патологияси мавжуд ва коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморларни изоляция қилиш, тиббиёт ходимларининг эпидемияга қарши тайёргарлигини кучайтириш, стационаргача босқичда беморларнинг маршрутизациясини мувофиқлаштириш, шошилич ёрдамга муҳтож оғир аҳволдаги COVID-19га гумон қилинган беморлар учун махсус обсервация бўлими ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси тажрибаси, халқаро амалиётга ўхшаш

---

<sup>1</sup> Kayipmaz AE, Demircan A. Pandemic hospitals and reorganizing emergency departments. Turk J Med Sci. 2021;51(SI-1):3221-3228. Published 2021 Dec 17. doi:10.3906/sag-2106-169

ҳолда, пандемиянинг дастлабки босқичида оммавий эпидемиологик таҳдидлар шароитида ишлашга мўлжалланган ягона, илмий асосланган ташкилий-функционал модель мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бу эса ташкилий узилишлар, шошилишч стационарларнинг ортиқча юкланиши, шифохона ичида инфекция тарқалишининг ортиши ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг мавжудлиги пасайиши билан боғлиқ юқори хавфларни юзага келтирди<sup>2</sup>. Пандемия шароитида шошилишч тиббий ёрдам кўрсатишда ҳал этилмаган масалалар қаторига тиббий саралаш (триаж)ни стандартлаштириш, шошилишч стационарларда инфекцияга гумон қилинган беморлар учун махсус блоклар ташкил этиш, келаётган беморлар оқимини ажратиш, тиббиёт ходимлари хавфсизлигини таъминлаш, шифохона ичида инфекция ўчоқларини ўз вақтида локализация қилиш ҳамда оғир аҳволдаги беморларда интенсив терапияни эрта бошлаш ва узвий тамойилларига риоя қилиш масалалари киради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги №ПП–307-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 25 ноябрдаги №ПП–4899-сонли «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакат биохавфсизлик тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги №ПП–2838-сонли «Шошилишч тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Шубҳасиз, пандемиялар ўз хусусиятлари ва белгиларига кўра фавқулодда вазият сифатида баҳоланади, шу сабабли шошилишч тиббий ёрдам муассасалари ҳар доим бемор билан биринчи алоқа нуқтаси ҳисобланиб, касалликни эрта аниқлаш ва беморларни изоляция қилишда етакчи ўринни эгаллаб келган ҳамда ҳозирги кунда ҳам ушбу вазифани бажармоқда<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг йиғиндиси пандемиялар ва оммавий эпидемиологик таҳдидлар шароитида соғлиқни сақлаш тизимининг барқарор фаолият юритишини таъминлайдиган шошилишч тиббий ёрдамнинг ихтисослаштирилган, илмий асосланган ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш заруратини тақозо этади.

<sup>2</sup> S. Turdikulova, E. Musabaev et al. "COVID-19 Response in Uzbekistan: From RT-PCR Test System to the Clinical Trial of Subunit Vaccine", COVID-19 Vaccines - Current State and Perspectives. IntechOpen, Feb. 22, 2023. DOI: 10.5772/intechopen.109225

<sup>3</sup> Quah LJJ, Tan BKK, Fua TP Wee CPJ, Lim CS. Re-organizing the emergency department to manage the COVID-19 outbreak. International Journal of Emergency Medicine. 2020;13:32–32

Анқара университет клиникаси (Туркия) ходимлари пандемия ва бошқа табиий офатлар даврида шошилич тиббий ёрдам бўлимлари фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга, Туркиялик бошқа тадқиқотчилар<sup>4</sup> ихтисослаштирилган инфекция шифохоналарни ташкил этиш орқали онкологик касалликка чалинган, суяк кўмиги трансплантациясидан кейинги ҳолатдаги, радиотерапиядан ўтаётган ёки каттиқ тўқималар трансплантациясидан кейинги беморлар кузатилаётган шифохоналарни ажратиш имкони яратилганини қайд этадилар. Бу эса COVID-19 билан касалланган беморлар ва иммуносупрессия ҳолатидаги беморлар бир муҳитда даволанмаслигини таъминлашга хизмат қилди.

Кўплаб муаллифларнинг фикрича, телетиббиёт, компьютерлаштирилган алгоритмлар ҳамда сенсор технологиялар ва беморларни масофадан кузатиш учун турли қурилмаларни жорий этиш COVID-19 билан касалланган беморларни эрта аниқлашда муҳим аҳамият касб этди (Portnoy J. ва бошқ., 2020). Бундан ташқари, ҳаётий кўрсаткичларни масофадан мониторинг қилиш орқали шошилич тиббий ёрдам бўлимларида ортиқча тўпланишнинг олди олинди. Шунингдек, касаллик оғирлик даражасини масофадан баҳолаш имкони яратилди ва беморнинг шошилич тиббий ёрдам бўлимига бориш зарурлигини аниқлаш мумкин бўлди. Бироқ ҳозирги вақтга қадар ушбу усуллардан максимал даражада объектив фойдаланиб, беморларни масофадан таснифлаш ва устуворлик даражасини белгилашга қаратилган шошилич тиббий ёрдам бўлимлари учун ягона сортировка тизими мавжуд эмас, бу эса COVID-19 ва бошқа инфекция касалликлар тарқалиш хавфига қарши курашишда долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Аксарият сортировка тизимлари муайян шарт-шароитларга мослаштирилган турли хусусиятлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, шу сабабли мавжуд шошилич тиббий ёрдам бўлимлари учун мўлжалланган сортировка тизимларини (Hinson ва бошқ., 2019) COVID-19 ҳолатларида қўллаш қийин бўлди ва бу тезкор равишда янги тизим ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Мазкур ишда халқаро ва миллий тажрибани ҳисобга олган ҳолда тиббий триаж ўтказиш, сортировка қарорларини мослаштириш, кутиш вақтини қисқартириш, масофавий технологияларни қўллаш ва мавжуд ресурслардан реал вақт режимида оқилона фойдаланиш асосида мавжуд ва янги тиббий ташкилотлар даражасида шошилич тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали ташкилий-функционал моделини илмий асослаш ва шакллантириш тақдим этилган бўлиб, ушбу йўналиш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда А-СС-2021-

---

<sup>4</sup> Özdemir Z., Savaş H., Şenol Çelik S., Eroğlu D. Cardiovascular Surgery Nurses Association During The Pandemic. Journal of Education and Research in Nursing. 2020;17:365–368

112/2 «Далилларга асосланган тиббиёт асосида COVID-19 ни этиотроп ва патогенетик даволаш моделини ишлаб чиқиш» (2021 йил) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пандемия (COVID-19) шароитида шошилиinch тиббий ёрдам муассасалари фаолиятини қайта ташкил этишнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали беморларга кўрсатиладиган шошилиinch тиббий ёрдамни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

COVID-19 билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишда, шу жумладан стационаргача босқичда, шошилиinch тиббий ёрдам тизими муассасалари фаолиятини тизимли таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси пандемияси даврида шошилиinch тиббий ёрдам тизимининг ривожланишига таъсир кўрсатган асосий ташкилий ва ресурс омилларини аниқлаш;

оғир ва ўта оғир аҳволдаги COVID-19 билан касалланган беморларга шошилиinch тиббий ёрдам кўрсатишнинг мавжуд ташкилий моделининг самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси шошилиinch тиббий ёрдам тизимида ресурслар билан таъминланганлик даражасини инобатга олган ҳолда марказлаштирилган бошқарув моделини асослаш ҳамда пандемия даврида тизим бўлинмалари фаолияти самарадорлиги ва сифатига илмий баҳо бериш;

пандемия шароитида оғир аҳволдаги беморларга консултацион ёрдам кўрсатишда телетиббиёт ва бошқа замонавий коммуникацион технологияларнинг аҳамиятини баҳолаш;

COVID-19 ва унинг ургент асоратларининг оғирлик даражасини прогноз қилиш учун клинко-лаборатор мезонларни аниқлаш;

пандемиялар шароитида (COVID-19 мисолида) шошилиinch тиббий ёрдам тизимининг барқарор ривожланиш концепциясини илмий асослаш ва шакллантириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2020–2021 йилларда коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси шошилиinch тиббий ёрдам тизими, Республика шошилиinch тиббий ёрдам илмий марказида интенсив терапия олган 1018 нафар шошилиinch патолгия ва COVID-19 билан касалланган беморларнинг даволаш натижалари, шунингдек, 2020–2021 йилларда оғир аҳволдаги 1846 нафар шошилиinch касаллик ва COVID-19 беморларига ўтказилган телетиббиёт консултациялари натижалари олинган.

**Тадқиқот предметини** пандемиялар шароитида шошилиinch тиббий ёрдам тизимининг ташкилий, бошқарув ва технологик механизмлари фаолияти таҳлили натижалари, шунингдек, шошилиinch патология ва COVID-19 билан касалланган беморларни даволашда шошилиinch тиббий ёрдам тизимида қўлланиладиган турли диагностик ва даволаш усулларининг самарадорлиги ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тизимли таҳлил, ташкилий ва бошқарув моделлаштириш, эпидемиологик ҳамда клиник-статистик усуллар, эксперт баҳолаш ва шошилич тиббий ёрдам хизмати фаолияти самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

пандемия шароитида шошилич тиббий ёрдамни ташкил этишнинг илмий асосланган комплекс ташкилий-функционал модели ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги шошилич стационарларнинг қабул-диагностика бўлимларини тузилмавий қайта ташкил этиш, марказлаштирилган бошқарув ҳамда телетиббӣёт орқали қўллаб-қувватлаш ҳисобига исботланган;

кадрлар ва моддий ресурслар танқислиги шароитида оғир аҳволдаги беморларни бошқаришнинг самарали воситаси сифатида телетиббӣёт технологияларини шошилич тиббий ёрдам тизимига тизимли равишда жорий этишнинг илмий жиҳатдан самарадорлиги исботланган;

COVID-19 касаллигининг оғир кечишини башорат қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий клинко-лаборатор прогностик маркерларнинг башоратлаш қиймати аниқланиб, улардан фойдаланиш беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш ҳамда ўлим кўрсаткичини камайтиришга хизмат қилиши асосланган;

таклиф этилган шошилич тиббий ёрдам модели барча инфекцион пандемиялар шароитида қўлланилиши мумкин бўлган универсал ташкилий-функционал ечим эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таклиф этилган шошилич тиббий ёрдам концепцияси инфекцион касалликлар пандемияси шароитида беморлар оқимини ажратиш, ўз вақтида ва илмий асосланган триаж ўтказиш ҳамда инфекцияланган беморлар учун тўлиқ даволаш-диагностика жараёнларини таъминлаш орқали шошилич стационар ичида инфекция тарқалишининг олдини олишга ва бутун хизмат тизимининг барқарор фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилган;

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари амалиётига жорий этилган беморларни олиб бориш алгоритмларининг амалий самарадорлиги исботланган;

режалаштирилган телетиббӣёт консултациялар асосида шошилич тиббий ёрдам хизмати стационарларида оғир ва ўта оғир аҳволдаги беморларга кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини оширишга имкон яратилган;

COVID-19 ва унинг ургент асоратларида таклиф этилган беморларнинг аҳволи оғирлигини ифодалувчи биомаркерларни шошилич тиббий ёрдам шароитида қўлланиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, методологик жиҳатдан тўғри ташкил этилган тадқиқот жараёни ҳамда клиник материалнинг етарли ҳажми билан таъминланганлиги билан асосланади. Замонавий тадқиқот усул ва услублари қўлланилган, натижалар ва хулосалар

далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига таянилган ҳолда шакллантирилган. Статистик ишлов натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар пандемиялар эҳтимолини инобатга олган ҳолда шошилич тиббий ёрдам хизмати шифокорларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб беради. Шунингдек, шошилич стационарларда беморларни тақсимлаш бўйича илмий асосланган ёндашувлар жорий этилди, COVID-19 касаллигининг кечиш хусусиятлари тизимли ўрганилди, асоратлар ривожланиши ва касаллик оқибатларини башорат қилишда хавф омилларининг прогностик аҳамияти тасдиқланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, телетиббиёт маслаҳатларини жорий этиш бўйича методологик ёндашувларни стандартлаштириш учун асосий мезонлар ишлаб чиқилган, COVID-19 пандемияси шароитида оммавий госпитализация даврида шошилич тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш тизими оптималлаштирилган, инфекция касалликлар пандемияси фонида шошилич ҳолатлар билан келган беморларни тиббий саралаш алгоритмлари ишлаб чиқилган, шошилич стационарларда COVID-19 асоратларининг ривожланишини олдини олиш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Инфекцион касалликлар пандемияси шароитида беморларга кўрсатиладиган шошилич тиббий ёрдам самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот натижалари асосида «Пандемиялар шароитида шошилич тиббий ёрдамни ташкил этиш» ва «Шошилич тиббиётни ташкил этишда телемедицинанинг ўрни ва аҳамияти» номли услубий тавсиялар тўплами нашр этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 04.11.2025 йилдаги №28/31 сонли хулосаси):

*биринчи илмий янгилик:* пандемия шароитида шошилич тиббий ёрдамни ташкил этишнинг ишлаб чиқилган ва илмий асосланган комплекс модели, қабул-диагностика бўлимларини тузилмавий қайта ташкил этиш, марказлаштирилган бошқарув ва телемедициналик қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган ҳолда, РШТЎИМнинг Хоразм (23.05.2025 йилдаги №110/1-«I» сонли буйруқ) ва Наманган филиаллари (23.05.2025 йилдаги №119/4 сонли буйруқ) амалиётига тизимли равишда жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* беморларнинг соғайиш ва меҳнат фаолиятига қайтиш муддатлари қисқарди, реанимация ва стационарда ётиш даври камайди, шифохона ичида инфекция тарқалишининг олди олинди ва асосий касаллик оғирлашининг олди олинди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* реанимация бўлимида ҳар бир бемор учун дори-дармон харажатлари ўртача 12 750 000 сўмга камайди, ушбу гуруҳдаги 381 нафар бемор учун жами 4 857 750 000 сўм тежамкорликка эришилди.

*иккинчи илмий янгилик:* кадрлар ва моддий ресурслар танқислиги шароитида оғир аҳволдаги беморларни бошқариш воситаси сифатида телемедициналик технологиялари РШТЎИМнинг Бухоро (23.05.2025 йилдаги №184 сонли буйруқ) ва Тошкент вилояти филиаллари (01.06.2025 йилдаги №90 буйруқ) амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* телетиббиёт консултациялар орқали, айниқса кадрлар етишмаслиги ва изоляция шароитида, оғир ва ўта оғир аҳволдаги беморларга эксперт хулосаларини тақдим этиш имкони яратилди ҳамда инсон омили таъсири камайтирилди. *Иқтисодий самарадорлик:* энгил кечишли беморлар гуруҳида ҳар бир бемор учун дори-дармон харажатлари ўртача 175 500 сўмга камайди, жами тежамкорлик 29 484 000 сўмни ташкил этди (n=168). *Хулоса:* телемедициналик технологияларни жорий этиш оғир аҳволдаги беморларда ўлим билан яқунланувчи асоратлар частотасини 50% га камайтиришга ва терапияни ҳаётий функциялар ҳолатига мос равишда тўғрилашга имкон берди.

*учинчи илмий янгилик:* COVID-19 касаллигининг оғир кечишини критик прогностик маркерларга асосланиб башорат қилиш алгоритми РШТЎИМнинг Бухоро (23.05.2025 йилдаги №184 буйруқ) ва Тошкент вилояти филиали (01.06.2025 йилдаги №90 сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* касаллик ривожланиш моделини олдиндан башорат қилиш орқали ўлим ҳолатлари камайтирилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* энгил кечишли беморлар гуруҳида ҳар бир бемор учун дори-дармон харажатлари ўртача 175 500 сўмга камайди, жами тежамкорлик 29 484 000 сўмни ташкил этди (n=168). *Хулоса:* С-реактив оқсил, D-димер ва қон ивиш кўрсаткичларига асосланган алгоритм ўлим кўрсаткичини 10,5% га камайтиришга, госпитализация муддатини энгил кечишда 1,5 кунга, ўрта оғир кечишда 3 кунга ва оғир кечишда 5 кунга қисқартиришга имкон берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* бошқа инфекцион пандемияларда ҳам қўллаш мумкин бўлган универсал шошилиш тиббий ёрдам модели РШТЎИМнинг Хоразм (23.05.2025 йилдаги №110/1-«I» буйруқ) ва Наманган филиаллари (23.05.2025 йилдаги №119/4 буйруқ) амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* беморларнинг тикланиш муддатлари қисқарди, стационарда ётиш даври камайди, шифохона ичида инфекция тарқалиши ва асосий касаллик оғирлашиши олди олинди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* реанимация бўлимида ҳар бир бемор учун дори-дармон харажатлари ўртача 12 750 000 сўмга камайди, жами тежамкорлик 4 857 750 000 сўмни ташкил этди (381 бемор). *Хулоса:* пандемия шароитида қабул-диагностика бўлимларини тузилмавий қайта ташкил этиш, беморлар оқимларини ажратиш, инфекцияланган ва инфекцияланмаган беморлар учун тўлиқ диагностика-даволаш циклини таъминлаш ҳамда ўз вақтида телетиббиёт маслаҳатлар ўтказишни ўз ичига олган комплекс шошилиш тиббий ёрдам модели шифохона ичида инфекция тарқалишининг олдини олишга ва асосий касаллик оғирлашишини камайтиришга хизмат қилади.

**Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:** «Пандемия шароитида шошилич тиббий ёрдам муассасалари фаолиятини ташкил этишнинг инновацион жиҳатлари» мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги тўғрисида илмий янгиликни бошқа даволаш-профилактика муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 2025 йил 22 октябрдаги 02-05/2690-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 15 таси мақолалардан иборат. Жумладан, 9 та мақола хорижий рецензияланадиган журналларда (шу жумладан, 2025 йил учун SJR рейтинги бўйича Q1 ва Q2 кватилга кирувчи журналларда 4 та мақола) нашр этилган ва 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда чоп этилган. Шунингдек, 9 та тезис маҳаллий ва хорижий илмий конференция материалларида, Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та гувоҳномаси ҳамда 2 та услубий тавсиялар тўплами нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, амалий тавсиялар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 238 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳолати, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «Пандемия даврида шошилич тиббий ёрдамни ташкил этишнинг замонавий жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)» деб номланган **биринчи** бобида COVID-19 пандемияси мисолида шошилич тиббий ёрдам хизматини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатига оид маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили тақдим этилган. Турли мамлакатларда шошилич тиббий ёрдамни ташкил этиш моделлари, шошилич тиббий ёрдам бўлимларида беморларни тиббий саралаш (триаж) тизимлари, саралашда мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган замонавий

ёндашувлар, шунингдек пандемия даврида телемедицин технологияларини қўллаш масалалари илмий ва амалий маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) ва унинг ҳудудий филиалларидан ташқари шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олиши мумкин бўлган бошқа муассасалар мавжуд эмас. Шу боис пандемия шароитида ушбу муассасаларнинг ўз асосий фаолият йўналиши — аҳолига шошилич тиббий ёрдам кўрсатишни узлуксиз таъминлашини қўллаб-қувватлаш стратегик аҳамият касб этди.

Пандемия шароитидаги устувор вазифа шошилич тиббий ёрдам муассасаларининг функционал барқарорлигини сақлаш, COVID-19 инфекциясининг шифохона ичи инфекциясига айланишининг олдини олиш, шу билан бирга аҳолига тўлиқ ҳажмда шошилич тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашдан иборат бўлди. Бу вазифалар шошилич патология ва коронавирус инфекциясининг оғир ва асоратланган шакллари билан касалланган беморларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишни, шунингдек тиббий ва ёрдамчи персоналнинг хавфсизлиги ҳамда меҳнат қобилиятини сақлашни ўз ичига олди.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» номли **иккинчи** бобида илмий ишда қўлланилган тадқиқот материаллари ва усуллари батафсил баён этилган. Ушбу илмий тадқиқотда 2020–2021 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида (РШТЎИМ) стационар даво олган 1145 нафар COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқотга киритиш мезонлари сифатида коронавирус инфекцияси COVID-19 тасдиқланган ёки унга гумон қилинган ҳолатлар ҳамда турли ургент патологиянинг мавжудлиги қабул қилинган.

Тадқиқот гуруҳида жинсий тақсимотга кўра 598 нафар (52,2%) эркак ва 547 нафар (47,8%) аёл беморлар кузатилган.

**1-жадвал.**

**Беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши, n=1018**

Ёши	Беморларнинг жинси				Жами	
	Эркаклар		Аёллар			
18-44	141	13,9%	106	10,4	248	24,3
45-59	143	14,05%	138	13,5	280	27,55
60-74	194	19,05%	182	17,9	376	36,95
75-90	56	5,5%	56	5,5	112	11
>90	0	0	2	0,2	2	0,2
<b>Жами</b>	<b>534</b>	<b>(52,5%)</b>	<b>484</b>	<b>(47,5%)</b>	<b>1018</b>	<b>(100%)</b>

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, беморларнинг энг кўп қисми 60–74 ёш гуруҳига — 376 нафар (36,9%) ва 45–59 ёш гуруҳига — 280 нафар (27,5%) тўғри келган, яъни беморларнинг асосий қисми меҳнатга лаёқатли ёш тоифасини ташкил этган. Энг кам кўрсаткич 90 ёшдан юқори —

2 нафар (0,2%) гуруҳ ҳиссасига тўғри келган. Беморларнинг ўртача ёши 55,8 ёшни ташкил этди.

124 та ҳолатда (12,2%) беморлар аҳволи критик деб баҳоланган бўлиб, мазкур тоифадаги беморлар реанимация ва интенсив терапия бўлимида даволанган. Қолган 894 та ҳолатда (87,8%) беморлар аҳволи ўрта оғир ва оғир даражада деб баҳоланган.

Барча беморлар шартли равишда 3 гуруҳга ажратилди ва уларга шошилишч патология ва COVID-19 билан касалланган беморларни юритиш бўйича дастлабки босқичларда махсус мезонлар мавжуд эмаслиги сабабли мавжуд триаж тактикаси — 2020 йилда жорий этилган Ўзбекча саралаш ва оғирликни баҳолаш шкаласи қўлланилди.

Биринчи гуруҳни COVID-19 инфекцияси фонида шошилишч терапевтик профилдаги патологияси мавжуд бўлган 511 нафар (50,2%) бемор ташкил этди. Ушбу беморлар қайта жиҳозланган терапевтик блокда даволанди.

Иккинчи гуруҳни COVID-19 инфекцияси фонида шошилишч хирургик профилдаги патологияси аниқланган 253 нафар (24,85%) бемор ташкил этди. Мазкур гуруҳдаги беморлар махсус қайта жиҳозланган хирургик блокка жойлаштирилди.

Учинчи гуруҳни шошилишч патологияси бўлмаган, бироқ COVID-19 инфекциясининг асоратланган кечиши ва оғир аҳволи қайд этилган 254 нафар (24,95%) бемор ташкил этди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Беморларнинг госпитализация профилига кўра тақсимланиши**

	Касаллик профили	Умумий аҳволи		Жами
		Ўрта оғирлигида	Оғир	
1	Шошилишч терапевтик + CoViD-19	388 (38,1%)	123 (12,1%)	511 (50,2%)
2	Шошилишч хирургик + CoViD-19	208 (20,45%)	45 (4,4%)	253 (24,85%)
3	Оғир ҳолатдаги CoViD-19 (шошилишч патологияси йўқ)	—	254 (24,95%)	254 (24,95%)
	<b>Жами</b>	596 (58,55%)*	422 (41,45%)*	1018 (100%)

\*– госпитализация профили ва аҳволининг оғирлиги орасидаги боғлиқ статистик аҳамиятлидир ( $p < 0,01$ )

Шошилишч патологияси мавжуд бўлган барча беморларга, терапевтик ва хирургик профилдан қатъи назар, лаборатор ва инструментал диагностика усуллари тўлиқ мажмуаси қўлланилди. Уларга клиник ва биокимёвий таҳлиллар, ультратовуш текшируви, рентгенологик тадқиқотлар ҳамда кўпқатламли компьютер томографияси киритилди. Шу билан бирга, IV ва V бобларда баён этилганидек, диагностик ва даволаш жараёнлари тўлиқ ажратилган ҳолда ташкил этилди, бу эса инфекцияланган ва

инфекцияланмаган беморлар оқимларининг аралашиб кетишининг олдини олиш имконини берди.

Ўрта оғир аҳволдаги беморлар умумий сони 596 нафарни (58,55%) ташкил этди. Уларнинг 388 нафари (33,1%) терапевтик блокда, 208 нафари (20,45%) эса хирургик блокда даволанди.

Оғир аҳволдаги беморлар сони 422 нафарни (41,45%) ташкил қилди. Уларнинг 123 нафари (12,1%) терапевтик блокда, 45 нафари (4,4%) хирургик блокда жойлаштирилган бўлиб, қолган беморлар юқорида таърифланганидек, COVID-19 ташхиси билан алоҳида гуруҳни ташкил этди.

COVID-19 инфекцияси билан бирга кузатилган шошилинич патология турига кўра беморларнинг профиллар кесимидаги тақсимоти 3-жадвалда келтирилган.

**3-жадвал.**

**Беморларнинг COVID-19 инфекцияси фонид а ургент патология турига кўра тақсимланиши**

<b>Терапевтик профил (барча беморлар — COVID-19 инфекцияси фонид а), n=511</b>		
Шошилинич нозология	Абс	%
Ўткир коронар синдром, ST сегменти кўтарилиши билан (ўткир миокард инфаркти) ва ST сегменти кўтарилишисиз	229	44,8
Бош миянинг қон айланишининг ўткир бузилиши	124	24,3
Ўткир захарланишлар (турли этиологияли)	80	15,7
Бошқалар	78	15,3
Жами	511	100
<b>Хирургик профил (барча беморлар — COVID-19 инфекцияси фонид а), n=253</b>		
Экстренная нозология	Абс	%
Ўткир аппендицит	49	19,4
Ўткир холецистит	37	14,6
Қисилган чурралар	35	13,8
Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг перфорацияси	33	13,1
Ўткир ичак тутилиши	25	9,9
Ошқозон-ичак тракти яралари қонаши	22	8,7
Ўткир панкреатит	17	6,7
Ўткир мезентериал тромбоз	15	5,9
Бошқалар	20	7,9
Жами	253	100

\*– гуруҳлардаги фарқ статистик аҳамиятли ( $p < 0,01$ )

Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, терапевтик профилдаги шошилинич нозологиялар орасида ST сегменти кўтарилиши билан кечувчи ўткир коронар синдром устунлик қилган — 145 ҳолат (28,4%). Энг кам кўрсаткич турли этиологияли ўткир захарланишлар ҳиссасига тўғри келган — 80 ҳолат (15,7%).

Хирургик профилдаги шошилишч патологиялар орасида эса энг кўп ҳолат ўткир аппендицит билан қайд этилган — 47 ҳолат (18,6%), энг кам кузатувлар эса мезентериал томирларнинг ўткир тромбози билан боғлиқ бўлган — 15 ҳолат (5,9%). Шунингдек, 2020 йилда Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиалларига қорин бўшлиғи турли жароҳатлари билан 1001 нафар бемор мурожаат қилган бўлиб (бу умумий абдоминал патологиянинг 1,9% ни ташкил этган), 2019 йилда ушбу кўрсаткич 1361 нафар ва 2,0% ни ташкил этган. Шу билан бирга, ўткир заҳарланишлар сони 2020 йилда 9120 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13822 тани ташкил этган, яъни 34% га кўп бўлган.

Пандемия даврида шифокорлар арсеналида самарали инструментлардан бири сифатида телетиббийёт алоҳида аҳамият касб этди. Пандемия эълон қилинган пайтдан бошлаб, 2020–2021 йилларда шошилишч патология ва COVID-19 инфекцияси мавжуд оғир ва ўта оғир аҳволдаги беморларга жами 1846 та телетиббийёт консултацияси ўтказилди. Ушбу беморлар шартли равишда 2 гуруҳга ажратилди: назорат гуруҳи 435 нафарни (23,6%), асосий гуруҳ эса 1411 нафарни (76,4%) ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, назорат гуруҳида телетиббийёт консултациялари фақат талаб асосида амалга оширилган бўлса, асосий гуруҳда улар белгиланган жадвалга мувофиқ ҳафтасига уч марта ўтказилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Ўтказилган телетиббийёт консултацияларига кўра беморларнинг тақсимланиши.

Телетиббийёт консултациялар	Назорат гуруҳи (n=435)	Асосий гуруҳ (n=1411)
Ўткир кардио-терапевтик касалликлар + Covid-19	178 (47,8%)	689 (48,8%)
Ўткир хирургик касалликлар + Covid-19	227 (52,2%)	722 (51,2%)
Жами	435 (100%)	1411 (100%)

Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш, шунингдек пандемия шароитида беморларга кўрсатиладиган шошилишч тиббий ёрдамнинг таклиф этилган тактикасининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида стандарт ва махсус лаборатор ҳамда инструментал текширув усуллари ўтказилди ва таҳлил қилинди. Шу билан бирга, эпидемиологик, ижтимоий ва математик-статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

Телетиббийёт консултацияси ўтказилган беморлар орасида 728 нафарини (51,6%) эркалар, 683 нафарини (48,4%) аёллар ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши 55,7 ёшни ташкил қилди.

Диссертациянинг «**РШТЁИМ хузуридаги махсус Штабни ташкил этиш ва унинг фаолияти**» деб номланган учинчи бобида пандемия даврида РШТЁИМ хузурида тузилган Штаб фаолияти ҳамда шошилишч тиббий ёрдам хизмати ҳолатининг таҳлил натижалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 апрелдаги №109-сонли буйруғига мувофиқ Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузурида шошилич патология ва COVID-19 инфекциясининг асоратланган шакллари билан касалланган беморларга видеоконсултациялар ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича махсус Штаб тузилди. Штабни ташкил этишдан мақсад — шошилич патология ва COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларга масофавий консултацияларни амалга ошириш ва уларни доимий равишда мувофиқлаштиришдан иборат бўлди. Штаб таркибига клиник, маъмурий ва аналитик иш тажрибасига эга бўлган РШТЎИМ мутахассислари киритилди.

Штабнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этилди:

– Республикада шошилич патология ва COVID-19 инфекциясининг асоратланган шакллари билан касалланган беморларни даволаш-диагностика жараёнини ташкил этиш ва юритиш масалалари бўйича даволаш муассасалари тиббий ходимлари учун масофавий видеоконсултациялар ташкил этиш. Масофавий маслаҳат шаклини жорий этиш ҳудудий муассасалар тиббий ходимларига узлуксиз методик ёрдам кўрсатиш, ихтисослаштирилган эксперт ёрдамнинг мавжудлигини ошириш ҳамда қабул қилинаётган клиник қарорларнинг асослилигини таъминлаш имконини берди.

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари ва хорижий клиникаларнинг зарур мутахассисларини (режали ва талаб асосида) консултацияларга жалб этиш. Турли профилдаги мутахассислар (инфекционистлар, пульмонологлар, реаниматологлар, радиологлар ва бошқалар) иштирокида кўп тармоқли жамоалар шакллантирилди. Бу бемор ҳолатини ҳар томонлама эксперт баҳолаш ва оптимал тактикани танлаш имконини берди, илғор тажрибани жорий этишга ҳамда даволаш-диагностика тактикасини ўз вақтида тўғрилашга хизмат қилди.


– Республика миқёсида COVID-19 инфекциясининг оғир ва ўта оғир шакллари билан касалланган беморлар бўйича жорий маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш. Олинган маълумотлар кўп омилли аналитик ишловдан ўтказилиб, ноқулай прогноз омилларини аниқлаш, қўлланилаётган даволаш-диагностика усулларининг самарадорлигини баҳолаш ва юқори хавф гуруҳларини белгилаш имконини берди. Бу оғир шаклдаги COVID-19 бўйича объектив клиник-эпидемиологик манзарани шакллантириш, бошқарув ва клиник қарорларни ўз вақтида қабул қилиш ҳамда тиббий ёрдам ташкилотини тезкор равишда тузатиш имконини яратди.

– Карантин муассасалари ходимлари учун COVID-19 билан касалланган беморларни юритиш масалалари бўйича масофавий тиббий таълимни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш. Таълим жараёнини ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш, машғулотларни режалаштириш, уларнинг мунтазамлиги ва мазмунан тўлиқлигини назорат қилиш, билим ўзлаштириш сифатини баҳолаш ишлари амалга оширилди. Замонавий масофавий таълим ва телетиббиёт платформаларидан фойдаланиш мутахассисларнинг кенг ҳудудий қамровини таъминлади.

– COVID-19 билан касалланган беморларга консультатив ёрдам кўрсатишни ташкил этиш соҳасида бошқа хизмат ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш. Бу йўналишда тезкор ахборот алмашинуви, бошқарув ва клиник-ташкилий қарорларни мувофиқлаштириш, турли даражадаги тиббий муассасалар, санитария-эпидемиология хизматлари, ахборот-техника бўлинмалари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан ҳамкорлик таъминланди. Маслаҳатлашув жараёнининг узлуксизлиги ва қўлланилаётган протоколларнинг унификациясига алоҳида эътибор қаратилди.

Касалланиш ўсишининг ҳафталик таҳлили шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланиш ҳолатларининг энг юқори ўсиши 2020 йил июнь ойининг ўртасига тўғри келиб, 64,9% ни ташкил этган, шунингдек 2020 йил июль ойининг бошида 43,7% ни ташкил этган. Рўйхатга олинган фаол ҳолатлар сонининг энг юқори кўрсаткичи 2020 йил август ойида қайд этилган (9517 ҳолат), шунингдек 2021 йил март ойида фаол ҳолатлар сони 15851 тага етган бўлиб, бу кунлик ўсиш кўрсаткичлари билан мос келган. РШТЁИМда госпитализация қилинган беморлар таҳлили асосида ягона маълумотлар базаси яратилди. COVID-19 билан касалланган беморлар маълумотлар базаси учун Интеллектуал мулк агентлиги томонидан №BGU 472-сонли гувоҳнома («COVID-19 билан касалланган беморларнинг маълумотлар базаси», 08.10.2021 й.) олинди.

Диссертациянинг «**Пандемиялар шароитида шошилиш тиббий ёрдам муассасасининг қабул-диагностика ва даволаш бўлимларини қайта ташкил этиш (COVID-19 мисолида)**» деб номланган **тўртинчи** бобида қабул-диагностика бўлими мавжуд моделларининг камчиликлари таҳлил қилинган ҳамда COVID-19 пандемияси мисолида стационар шароитида беморларни маршрутизация қилиш алгоритми такомиллаштирилган. Стационарларни ихтисослашувини ўзгартириш (қайта профилилаш) шароитида беморларни маршрутизация қилиш кўп ҳолларда мажбурий тус олган бўлиб, клиник мақсадга мувофиқликдан кўра мавжуд ресурслар (койка жойлари, жиҳозлар, кадрлар) билан белгиланган. Бу эса даволаш тадбирларининг самарадорлигини пасайтирган ва ноқулай клиник оқибатлар хавфини оширган. Шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатиш босқичлари ўртасидаги етарли ворисийликнинг таъминланмаганлиги алоҳида муаммо сифатида қайд этилган. COVID-19 пандемияси даврида аниқланган энг муҳим ташкилий камчиликлардан бири — тиббий муассасаларга мурожаат қилиш пайтида беморларни бирламчи саралаш ва оқимларни самарали ажратиш тизимининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги бўлди. Бу беморларнинг текширувни кутиш жараёнида умумий хоналарда узок вақт қолиб кетишига олиб келган, натижада пандемияга хос ҳаво-томчи йўл билан юқувчи инфекциянинг шифохона ичи тарқалиши кузатилган. Шу билан бирга, эҳтимолий инфекцияланган беморлар билан кўп марта контактда бўлиш туфайли тиббий ходимлар ўртасида шифохона ичи касалланиш даражаси ошган (1-расм).



1-расм. РШТЁИМ марказий қабул-диагностика бўлимининг амалда бўлган тузилмаси схемаси.

Шу муносабат билан ҳаво-томчи йўл билан юқувчи инфекция пандемияси шароитида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (кейинчалик унинг филиаллари)ни қайта ташкил этиш таклиф этилди. Қайта ташкил этиш доирасида филтрловчи блок жорий этилди, иситмали беморлар учун алоҳида қабул бўлими ташкил этилди ҳамда COVID-19 белгилари мавжуд бўлмаган шошилиш патологияли беморлар учун асосий қабул-диагностика бўлими (ПДО) тўлиқ функционал имкониятлари сақланган ҳолда қайта тузилди.


Бунда алоҳида кўрик хоналари, шок зонаси, обсервация зонаси, операция хонаси, алоҳида диагностик блок (шу жумладан ПЦР текшируви), даволаш ва ёрдамчи бўлимлар ташкил этилди (2-расм). Ўшбу қайта ташкил этишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- ҳаво-томчи инфекция пандемияси шароитида ихтисослаштирилган юқори малакали шошилиш тиббий ёрдамни тезкор ва адекват кўрсатишни таъминлаш;

- шошилиш тиббий ёрдам муассасаси ичида пандемик инфекция тарқалишининг олдини олиш, шошилиш касалликлар билан мурожаат қилган инфекцияланмаган беморларни юқишдан ҳимоя қилиш.

COVID-19 пандемияси шароитида РШТЁИМда шошилиш беморларни тақсимлаш эпидемиологик хавфларни минималлаштириш, шифохона ичи инфекциясининг олдини олиш ва ўз вақтида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган ихтисослаштирилган маршрут асосида амалга оширилди.

Бемор етказиб келинган ёки мустақил мурожаат қилганидан сўнг ташкил этилган филтрловчи блокда COVID-19 симптомларининг мавжудлиги бўйича текширув ўтказилди ҳамда қисқа триаж амалга оширилиб, шошилиш патологияли беморлар COVID-19 инфекциясига гумон қилинган гуруҳ ва «тоза» шошилиш патология гуруҳига ажратилди. Асосий ажратиш мезонлари — тана ҳароратининг ошиши, клиник симптомлар ва шикоятлар ҳисобланди. «Тоза» шошилиш патологияли беморлар филтр блокдан сақлаб қолинган қабул-диагностика бўлимига (А блок) йўналтирилди, у ерда стандарт текширув ўтказилиб, кейинги даволаш тактикаси белгилаб берилди. COVID-19 инфекциясига гумон қилинган ёки аниқ клиник симптоматикаси мавжуд бўлган шошилиш патологияли беморлар филтр блокдан қайта ташкил этилган «Иситмали беморлар учун қабул бўлими»га (Б блок) йўналтирилди. У ерда барча шошилиш ихтисосликлар бўйича алоҳида кўрик хоналари, шок зали ва обсервация учун койкалар ташкил этилди. Шу билан бирга, инфекцияланган ва инфекцияланмаган беморлар оқимларини аралаштирмасдан лаборатор ва инструментал диагностика усулларининг тўлиқ мажмуасини (шу жумладан ПЦР ва кўпқатламли спирал компьютер томографияси — МСКТ) ўтказиш имконияти яратилди. Кейинчалик беморлар стандартга мувофиқ кўриқдан ўтказилиб, даволаш тактикаси белгиланди. Зарур ҳолларда иситмали беморлар блокининг ўзида шошилиш жарроҳлик аралашувини амалга ошириш имконияти ҳам мавжуд бўлди.



2-расм. Хаво-томчи инфекция пандемияси даврида шошилич тиббий ёрдам муассасасининг қайта ташкил этилган қабул-диагностика бўлими схемаси: беморлар, тиббий ходимлар ва ресурслар тўлиқ ажратилиши.

Шу тариқа, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож беморнинг инфекцияланган ёки инфекцияланмаганлигидан қатъи назар, тўлиқ ҳажмда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва муассасанинг узлуксиз фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратилди.

Диссертациянинг «РШТЁИМ базасида шошилинч патология ва COVID-19 билан касалланган беморларни диагностика ва даволаш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида РШТЁИМ шароитида амалга оширилган диагностика ва даволаш натижалари кўриб чиқилган.

Госпитализация йўлига кўра беморлар 3 гуруҳга ажратилди:

– I гуруҳ — вақтинча мослаштирилган марказлардан олиб келинган беморлар бўлиб, уларда аҳвол оғирлиги асосий патология (COVID-19) ва қўшма (конкурент) патология ҳисобига шаклланган. Ушбу гуруҳ 568 нафарни (55,8%) ташкил этди;

– II гуруҳ — ихтисослаштирилган инфекция шифохоналардан олиб келинган беморлар бўлиб, 342 нафарни (33,6%) ташкил этди;

– III гуруҳ — мустақил равишда мурожаат қилган беморлар бўлиб, 108 нафарни (10,6%) ташкил этди.

Беморларнинг шошилинч патологиясининг профили ва қабул пайтидаги аҳвол оғирлигига кўра тақсимоти ҳам 5-жадвалда акс эттирилган.

#### 5-жадвал

#### Шошилинч патология профилига кўра беморларнинг тақсимланиши.

Профил/степень	I группа	II группа	III группа	Всего
Терапевтик +CoViD-19	229 (22,5%)	230 (22,6%)	52 (5,1%)	511 (50,2%)
Хирургик + CoViD-19	85 (8,35%)	112 (11%)	56 (5,5%)	253 (24,85%)
Оғир ҳолатдаги CoViD-19 беморлар	254 (24,95%)	–	–	254 (24,95%)
Жами	568 (55,8%)*	342 (33,6%)*	108 (10,6%)*	1018 (100%)

\* – шошилинч профили ва аҳволининг оғирлиги орасидаги боғлиқ статистик аҳамиятлидир ( $p < 0,01$ ),

Шошилинч терапевтик профилдаги беморларда клиник аломатларида нафас етишмовчилиги симптоматикаси устунлик қилди ва у 443 нафар (86,7%) беморда кузатилди, гастроэнтерологик симптоматика эса 68 нафарда (13,3%) қайд этилди.

Хирургик профилдаги беморларда ҳам нафас етишмовчилиги белгилари 221 ҳолатда (87,3%) аниқланган бўлиб, гастроэнтерологик симптомлар 32 ҳолатда (12,6%) кузатилди.

COVID-19 фонида терапевтик ва хирургик блокларда даволанган беморларнинг даволаш натижалари тегишли равишда 6 ва 7-жадвалларда келтирилган ҳамда РШТЁИМ базасида пандемиядан ташқари 2019 йилдаги мос ургент патологиялар даволаш натижалари билан қиёсий таҳлил қилинган.

**Терапевтик профилдаги шошилич патология ва COVID-19 билан касалланган беморларнинг даволаш натижаларининг қиёсий жадвали.**

Шошилич нозология	2019 йил				2020 йил							
					Шошилич терапевтик патологияси				Шошилич терапевтик патологияси ва COVID-19 (n=511)			
	Даволанган	Ўлган		Ўртача ётоқ кун	Даволанган	Ўлган		Ўртача ётоқ кун	Даволанган	Ўлган		Ўртача ётоқ кун
		абс	%			абс	%			абс	%	
Ўткир коронар синдром, ST сегменти кўтарилиши билан (ЎМИ) ва ST сегменти кўтарилишисиз	827	110	<b>13,3</b>	11,3	415	46	<b>11,1</b>	11,3	229	38	<b>16,6</b>	14,2
Бош миянинг қон айланишининг ўткир бузилиши	1047	110	<b>10,5</b>	10,7	1261	89	<b>7,1</b>	10,7	124	22	<b>17,7</b>	18,9
Ўткир захарланишлар (турли этиологияли)	2855	34	<b>1,2</b>	11,3	2340	34	<b>1,5</b>	11,3	80	9	<b>11,3</b>	14,1
Бошқалар	1835	29	<b>1,6</b>	7,1	1423	29	<b>2,0</b>	8,1	78	7	<b>9,0</b>	9,1
<b>Жами</b>	6564	283	<b>6,6</b>	10,1	5439	198	<b>5,4</b>	10,4	511	76	<b>13,6</b>	14,1

6-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, COVID-19 инфекцияси фонида терапевтик профилдаги асосий шошилич патологиялар бўйича леталлик кўрсаткичлари ошган. Хусусан, ST сегменти кўтарилиши билан кечувчи ўткир коронар синдром (ўткир миокард инфаркти) билан касалланган ва COVID-19 билан инфекцияланган беморларда леталлик 16,6% ни ташкил этган (2020 йилда инфекцияланмаган беморларда — 11,1%, пандемиягача бўлган 2019 йилда — 13,3%).

Шунингдек, ўткир мия қон айланишининг бузилиши билан касалланган беморларда COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган ҳолатларда леталлик 17,7% ни ташкил этган бўлса, инфекцияланмаган беморларда ушбу кўрсаткич мос равишда 7,1% (2020 йил) ва 10,5% (2019 йил) бўлган.

7-жадвал таҳлили хирургик профилдаги асосий шошилич патологиялар бўйича ҳам COVID-19 инфекцияси фонида леталлик даражаси ошганлигини кўрсатади. Айниқса, мезентериал томирларнинг ўткир тромбози билан касалланган беморларда леталлик 73,3% ни ташкил этган бўлиб,

инфекцияланмаган беморларда 2020 йилда — 24,6%, 2019 йилда эса — 26,9% ни ташкил этган.

Ўткир ичак тутилиши билан касалланган беморларда ҳам COVID-19 инфекцияси мавжуд бўлган ҳолатларда леталлик 28,0% ни ташкил этган, инфекцияланмаган беморларда эса бу кўрсаткич мос равишда 7,3% (2020 йил) ва 6,8% (2019 йил) бўлган.

7-жадвал.

**Хирургик профилдаги шошилишч патология ва COVID-19 билан касалланган беморларнинг даволаш натижаларининг қиёсий жадвали.**

Шошилишч нозология	2019 йил				2020 йил							
					Шошилишч хирургик патологияси				Шошилишч хирургик патологияси ва COVID-19 (n=253)			
	Даволанган	Ўлган		Ўртача ётоқ кунни	Даволанган	Ўлган		Ўртача ётоқ кунни	Даволанган	Ўлган		Ўртача ётоқ кунни
абс		%	абс			%	абс			%		
Ўткир аппендицит	1612	11	0,7	3,7	1220	8	0,7	11,3	49	2	4,1	14,2
Ўткир холецистит	2511	110	4,4	5,1	1878	89	4,7	10,7	37	4	10,8	18,9
Қисилган чурралар	612	14	2,3	4,8	445	34	7,6	11,3	35	7	20,0	14,1
Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг перфорацияси	411	32	7,8	7,4	128	11	8,6	10,1	33	8	24,2	31,5
Ўткир ичак тутилиши	701	48	6,8	8,1	96	7	7,3	10,2	25	6	24,0	11,5
Ошқозон-ичак тракти яралари қонаши	412	21	5,1	5,9	91	5	5,5	7,1	22	5	22,7	8,1
Ўткир панкреатит	779	84	10,8	7,1	81	7	8,6	8,1	17	4	23,5	8,9
Ўткир мезентериал тромбоз	78	21	26,9	11,2	61	15	24,6	11,3	15	8	53,3	14,1
Бошқалар	1835	129	7,0	11,2	1085	125	11,5	8,1	20	6	30,0	9,1
Жами	6564	470	8,0	7,2	5085	301	8,8	10,4	253	50	19,8	14,1

6 ва 7-жадвалларда келтирилган маълумотлар COVID-19 инфекцияси фонид асосий шошилишч патология оғирлашиши ва умумий аҳволнинг ёмонлашиши туфайли стационарда ўртача ётиш муддати ошганини кўрсатади.

Қабул пайтида беморларда SpO<sub>2</sub> (%), PaO<sub>2</sub> (мм симоб устуни), FiO<sub>2</sub> (%) кўрсаткичлари баҳоланди, шунингдек оксигенация индекси (мм симоб устуни/% ҳисобида) ҳисоблаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичлар ўткир нафас


етишмовчилигини аниқлаш ва унинг оғирлик даражасини баҳолашда муҳим диагностик аҳамиятга эга (8-жадвал).

8-жадвал

**Беморлар келган вақтида SpO<sub>2</sub>, PaO<sub>2</sub>, FiO<sub>2</sub> кўрсаткичларнинг аҳолининг оғирлигига нисбатдан тақсимланиши**

Умумий аҳоли	SpO <sub>2</sub> (кислородсиз)		PaO <sub>2</sub>		FiO <sub>2</sub>	
	М	m	М	m	М	m
Ўрта оғир	85,3	1,9	49,8	1,6	41,3	2,7
Оғир	61,8	1,4	34,2	1,1	68,6	2,4

